

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги
Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича
профессional ўқитиш марказининг
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

Тошкент – 2019

Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази директорининг 2019 йил 01 февралдаги 01-16-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2011 йил 27 июлдаги одоб-ахлоқ қоидаларни олий таълим муассасаларига жорий этиш тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига доир айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 55-ум-сон буйруғи асосида тайёрланган.

Одоб-ахлоқ қоидаларида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тингловчилари, ходимлари ва дарс машғулотларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар, хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари, манфаатлар тўқнашуви, тингловчилар, ходимлар ва дарс машғулотларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари, мажбуриятлари, шунингдек рағбатлантириш ва чора кўриш тартибига оид масалалар белгиланган.

Одоб-ахлоқ қоидалари Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тингловчилари, ходимлари ва дарс машғулотларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган.

**Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни
халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу қоидалар Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) тингловчилари, ходимлари, шунингдек Марказда дарс машғулотларини олиб борувчи профессор-ўқитувчиларнинг (кейинги ўринларда тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар деб юритилади) касбий одоб-ахлоқи ва хулқ-атворининг асосий қоидаларини белгилайди.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарлик, зўравонлик ва ҳаёсизликни олдини олишга, турли ёт таҳдидларнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларда юксак ҳуқуқий онг билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳини мустаҳкамлашга, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтиришга ҳамда Марказда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни ривожлантиришга, Марказнинг нуфузи ва обрў-эътиборини асраш ва янада оширишга қаратилган.

3. Марказга ўқишга, ишга, шунингдек дарс машғулотларини олиб бориш учун жалб этилган шахслар мазкур қоидалар билан имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

4. Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари қонун ҳужжатлари ва мазкур қоидалар талабларига риоя этишлари шарт.

**II. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар хулқ-атворининг
асосий принциплари ва қоидалари**

5. Марказда ҳамжихатлик, ғамхўрлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, дўстона муносабат, инсофлилик, виждонлилик ва аҳил-иноқлик тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

Тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчи Марказда таҳсил олаётган (фаолият юритаётган) турли миллат ва элат вакилларининг одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиши лозим.

6. Марказда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари шулардан иборатки, бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим, бировга тухмат қилишга, уни ҳақоратлашга, ўзаро муносабатларда умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлар ва ҳаракатлардан фойдаланишга йўл қўймайди, виждон эркинлиги Марказда диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини бермайди, уст-бош, кийимларни кийиш эркинлиги эса таълим ва тарбия жараёнига салбий таъсир ўтказиши мумкин эмас.

7. Тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчининг шахсий, оилавий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлари унинг Марказдаги таълим-тарбия ва иш фаолиятига таъсир этишига йўл қўймаслиги лозим.

8. Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг ўз касбига мос бўлган замонавий кийимда бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Уларнинг одамлар диққатини тортадиган, хусусан, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очиқ қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда, шунингдек, наушниклар, металл занжирлар ва бошқа тақинчоқлар, пирсингда Марказга келиши мумкин эмас. Диний ибодат либосида ҳамда спорт кийими ва пойафзалида келиш ҳам тақиқланади.

Марказ тингловчиси бўлган хотин-қизларга ёрқин пардоз (макияж) қилиш ва рўмол ўрашга (яқин инсонлари вафот этган ҳолатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди.

Тингловчи-йигитлар Марказга оч ранглардаги (оқ, ҳаво ранг, оч жигар ранг ёки оч кул ранг) кўйлақда, классик услубдаги шим ёки одми костюм, галстукда ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим. Бунда, албатта, ўзлари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Тингловчи-қизлар Марказга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка ёки одми костюм ва тўқ рангдаги пойафзалда келишлари лозим, шунингдек ўзлари билан ўқув воситаларини олиб келишлари шарт. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ташқи қиёфаси озода, покиза бўлиши лозим.

9. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланиб, ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

Тингловчилар ходимларга исм-шарифини айтиб мурожаат қилишлари шарт. Худди шундай ҳамкасб-педагог ва бошқа ходимлар ҳам ўзаро мулоқотда бир-бирига исми-шарифини айтиб мурожаат қилишлари лозим.

10. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар турли тадбирларда (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар ва ҳ.к.) сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, тинчликка риоя этишлари шарт. Зарурат туғилганда нутқлар ўртасида мажлислар залидан чиқиш мумкин.

11. Биноларга кириш ва бинолардан чиқиш жойларида, шунингдек коридорларда тингловчилар ходим ва профессор-ўқитувчиларни, эркаклар аёлларни, ёшлар эса катталарни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

12. Бинога кираётган ҳар бир шахс биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига унинг талабига биноан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (хизмат ёки тингловчи гувоҳномаси, рухсатномаси, паспорт ва ҳ.к.) очик ҳолда кўрсатиши шарт.

13. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар Марказ худудида, (таълим олиш учун белгиланган Тошкент давлат юридик университети биносида) коридор ва холларда баланд овозда, шу жумладан, уяли телефонларда баланд овозда гапирмаслиги, кулмаслиги, овқатланмасилиги керак. Бир-бирига дуч келганда, албатта, саломлашишлари, бунда: ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бунда қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

14. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим ва илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатларда Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари расмий мулоқот меъёрий ва қоидаларига риоя этиб, қуйидагиларга мажбур:

ўзларининг хулқ-атвори билан жамоада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этишга;

ўз ҳаракатларини Марказ манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, Марказ ва унинг ходимлари манфаатларига ва номига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек турли давраларда Марказ ҳақида юксак ижобий таассурот қолдириш учун интилишга;

Марказ, унинг тингловчилари, ходимлари ва профессор-қитувчилари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган маълумотларни тарқатмасликка, шунингдек шундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймасликка, шу жумладан, жамоат олдида чиқишлар қилмасликка;

Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмасликка;

Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларини аниқлаштирмасликка;

хизмат ахборотларини тақдим этиш қоидаларига амал қилишга;

ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа ва шу билан бирга ўта керагидан ортиқ) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этишга;

ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотлардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмасликка ва уларни Марказ раҳбарияти рухсатисиз тарқатмасликка;

хамкасблар ва бошқа ходимларнинг касбий ҳаракатларини танқид қилмаслик, шунингдек жамоат олдида чиқишлар, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида Марказ фаолияти, унинг раҳбарияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш, баҳо беришга йўл қўймасликка.

15. Марказ тингловчилари, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари дарс машғулотлари ва ишга ўз вақтида келишлари шарт.

16. Тингловчининг ўқишига, ходимнинг эса бундан буён Марказда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган қуйидаги ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши қатъий тақиқланади:

ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчи ёки Марказга жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни (шу жумладан, ишончсиз ёки нотўғри) тарқатиш, тан жароҳати етказиш;

гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатиш;

халоват ёки осойишталикка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва шунга ўхшаш бошқа ўйинлар ўйнаш;

шахсий манфаат ва мақсадларни ҳал қилиш мақсадида Марказ ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг уйига бориш (шу жумладан, таҳдид қилиш);

тингловчилардан билимини баҳолашда қўйиш учун ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни сўраш ёки талаб қилиш, шунингдек тингловчиларга балл қўйишда ходимларга ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф этиш ёки рейтинг балини олишда ходимлар билан келишиш учун ўртага одам қўйиш;

гигиена қоидаларига амал қилмаслик, сақич чайнаш ва турли ахлатларни ўқув, хизмат хоналари ва коридорларда қолдириб кетиш;

Марказ биносида, биноларга туташган ва бинолардан 500 метрдан кам бўлмаган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш ҳамда маст, соч-соқолни тартибсиз ўстириш, тозалик, озодалик, ўзидан турли хил хид келишини ва шу каби эстетик талабларга риоя қилмаган ҳолда келиш;

ўқув хоналаридаги тегишли компьютерларда шунингдек, Марказ ходимлари ва тингловчилари аъзо бўлган ижтимоий тармоқ ва интернет саҳифаларида Марказга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва даъват этиш;

ўқув машғулоти ва ишга ҳамда тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчиларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан, шахсий ва гигиена, пардоз буюмлари, озиқ-овқатлар билан атрофга салбий таъсир этадиган ҳолатларда мақсадсиз ёки ўринсиз фойдаланиш) содир этиш;

умумбашарий ва миллий қадриятларга хос бўлмаган ёки Марказнинг нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки улардан турли ноўрин мақсадларда фойдаланиш.

17. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар иштирокида Марказнинг обрўси, кадр-қиммати ва нуфузини туширадиган, Марказда таълим жараёнининг маънавий бузилишига олиб келадиган турли салбий ва беҳаё саҳналарни намоён қиладиган фотосуратлар, видео ва аудиоёзувлар Интернет, ижтимоий тармоқлар, шунингдек барча ташувчиларда пайдо бўлиши (ошкор этилиши) мазкур тингловчининг ўқишига, ходим ва профессор-ўқитувчиларнинг эса бундан буён Марказда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган ғайриахлоқий ва ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади.

18. Тингловчилар Марказ раҳбариятини ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахснинг ўзларига қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Марказ раҳбарияти тингловчилар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун тингловчилар сафидан четлаштирилишига, ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

19. Марказ директори, директор ўринбосари ва бўлим бошлиқлари ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим. Раҳбар бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, ўзига яқин олиш ҳолатларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун иш жойида замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, шунингдек дам олиш ва саломатликларини тиклашлари учун барча имтиёزلарни яратиб бериши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ахлоқ-одоб тамойиллари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

III. Манфаатлар тўқнашуви

20. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

IV. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари

21. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари миллий анъаналар, ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланган бўлиб, инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади. Педагог ходимлар томонидан тингловчиларга нисбатан юқори талабчанлик уларнинг шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

22. Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян тақиқланади. Тингловчиларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди. Дарс машғулотига кеч қолган тингловчи фақат педагог ходимнинг рухсати билан аудиторияга киритилади. Педагог ходим дарс машғулотларига ўзининг ножўя ҳаракатлари билан халақит бераётган тингловчини юзага келган вазият ҳақида Марказ директорини Билдирги асосида хабардор қилиб (Марказ директори ўз ўрнида бўлмаганда директор ўринбосари ёки бўлим бошлиқларини) дарсдан четлатиши мумкин.

23. Тингловчи учун педагог ходим билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот дарс машғулотларидан ва назорат вақтларидан ташқари бўлган ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин.

24. Асосланган жиддий сабаблар (кўполлик, тамагирлик, педагог ходимнинг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ва б.) ҳамда тингловчилар гуруҳининг яқдил фикри мавжуд бўлган ҳолатларда, тингловчилар педагог ходимни алмаштириш ҳақида илтимос билан Марказ директориға мурожаат қилишлари мумкин.

25. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги иш жараёнидаги турли муаммолар уларнинг ваколатлари доирасида, раҳбарларни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

26. Марказ директори ва ходимларига тингловчилар томонидан бирор-бир масала юзасидан мурожаат қилиниши тартиб (субординация тамойили) асосида ташкил этилади.

V. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

27. Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар:

бошқа тингловчиларға, ходимлар ва профессор-ўқитувчиларға ўрнатилган бўлишға ва доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англашға ҳамда ўз вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада амалға оширишға;

Марказ (университет) мулкиға эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш (кўчар ва кўчмас мулк, ўсимлик ва б.), шу жумладан, моддий бойликлар ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига қатъий риоя қилиш, электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишға;

Тингловчилар:

бирор-бир ноҳуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан Марказ раҳбариятиға хабар беришға;

белгиланган чеклашлар ва тақиқларға риоя қилиш, ўз вазифаларини оғишмай бажаришға;

ходим ва профессор-ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказмасликка;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек Марказ раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажаришға, уларни шубҳа остиға олмаслик ва шарҳламасликка;

ўз шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини суиистеъмол қилмасликка;

Марказ раҳбариятининг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги талабларини муҳокама қилмасдан зудлик билан бажаришга;

ҳақиқатни гапиришга, раҳбарлар ва бошқа ходимларни чалғитмасликка;

Марказда диний ташвиқот олиб борилишига қарши курашишга, мутасадди ходимларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини осмасликка;

соғлом турмуш тарзини юритиш, эстетик ва экологик маданиятни юксалтиришга кўмаклашишга;

танқидий мулоҳазаларни объектив қабул қилишга ва билдиришга, ўз хато ва камчиликларини англаш ва бартараф этишга;

Ахборот-ресурс маркази ходимлари билан хушмуомала бўлишга, китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйишга, баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермасликка, ҳар хил чиқиндиларни қолдириб кетмасликка, китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

тадбирлар тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмасликка, бир-бири билан баланд овозда гаплашмаслик, ён-атрофдагиларга халақит бермасликка;

Марказ аудиториялари, бинолари ва биноларга туташган ҳудудда тозаликни сақлаш ва ҳудудни ифлослантирмаслик, чиқиндиларни жойлардаги махсус қўйилган қутиларга ташлашга;

шахсий автомобилни Марказ биноси атрофидаги тақиқланган жойда қолдирмаслик ҳамда ишдан (ўқишдан) ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка;

ўз ҳаракатларини пухта бошқаришга ва Марказ тингловчиси деган номга муносиб бўлишга;

Марказ дипломи (малака аттестати, сертификати)ни олиш учун эмас, балки билим олиш ва мустаҳкамлаш учун ўқишга;

педагог ходимларнинг мазкур қоидаларни бажариш тўғрисидаги тингловчиларини муҳокама қилмасдан зудлик билан бажариш ва педагог ходим билан бошқа тингловчиларнинг баҳосини муҳокама қилмасликка;

ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва бир-бирларига нисбатан ҳурматда бўлишга;

ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир тартиб-қоидаларни бажариш вақтида четдан ёрдам олмаслик, ўзгаларга ёрдам кўрсатмасликка ва бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топширмасликка;

машғулотларни ўтказиб юбормаслик ёки дарсларга кечикиб келмасликка, ўқув машғулотлари вақтида Марказ (университет) ҳудудида беҳуда юрмасликка;

дарс машғулотлари ўтилаётган вақтда Марказ раҳбарияти рухсатисиз Марказ ва унинг ҳудудидан кетмасликка;

тингловчилар, ходим ёки профессор-ўқитувчилар билан ўзаро низоли вазият юзага келганда ўз ҳиссиётларини жиловлашга ва мазкур вазиятни кўриб чиқиш бўйича Марказ раҳбариятига мурожаат қилишга;

ўқув мавзулари муҳокама қилинганда фаол, эътиборли бўлишга ва профессор-ўқитувчиларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилишга;

машғулотлар вақтида ва улар тугагандан кейин педагог ходимнинг рухсатисиз аудиториядан чиқиб кетмасликка, педагог ходимга машғулотлар вақтида савол ёки илтимос билан педагог ходимнинг рухсати билан мурожаат қилишга;

Университет Талабалар турар жойи Ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилишга (Талабалар турар жойида яшашга рухсат этилган тингловчилар) мажбур:

дам олиш кунлари, ишдан ташқари пайтда зарурият бўлмаса телефон (смс, ижтимоий тармоқ) орқали безовта қилиш (кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бундан мустасно).

Ходимлар:

ўз хизмат жойидаги тартиб-интизомга ва хизмат ҳужжатлари билан ишлаш қоидаларига риоя қилишга;

таътилдан олдин меҳнат шартномаси тугатилганда ўз хизмат жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдириш, ўз зиммасидаги оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин ҳали яқунланмаган вазифаларни бошқа шахсга топширишга;

телефон орқали мулоқот қилишда муомала маданияти ва ахборот тақдим этиш қоидасига риоя қилишга (жумладан, суҳбатни энг аввал расмий тарзда саломлашишдан бошлаб, мақсадга ўтиш лозим. Тақдим этилаётган ахборот максимал қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак. Зарурат бўлса қайта қўнғироқни амалга ошириш мумкин);

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишда кўмаклашишга;

ўз фаолиятларини қонун ва ички ҳужжатларда белгиланган мансаб ваколатлари доирасида амалга ошириш ва хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа туғдирадиган хатти-ҳаракатлари қилмасликка;

гуруҳда (курсда) тингловчилар хулқининг умумий маданий ҳолати ҳақида Марказ директориға керак бўлган ҳолларда таъсир чоралари кўриш лозимлиги юзасидан ёзма таклифлар тақдим этишга мажбур.

VI. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

28. Ўқув йили давомида мазкур қоидаларға тўла риоя қилган, Марказда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишиға хизмат қилган тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчилар директор ўринбосари ва таркибий бўлинма раҳбарлари тавсиясига биноан, белгиланган тартибға мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилиши мумкин.

29. Ходимлар томонидан мазкур қоидаларға риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларға тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобға олинади.

30. Тингловчилар томонидан мазкур қоидалар биринчи марта бузганида уларға нисбатан Марказ директори буйруғи билан хайфсан эълон қилинади. Тингловчилар томонидан белгиланган қоидаларни такроран бузилиши уларни тингловчилар сафидан чиқаришға асос бўлади.

31. Мазкур қоидалар тингловчилар томонидан бузилиши Марказ ходимларидан таркиб топган Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Одоб-ахлоқ комиссияси камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобға олган ҳолда Одоб-ахлоқ комиссияси тингловчи, ходим ва профессор-ўқитувчига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишиға йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Тингловчилар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Марказ қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

VII. Яқуний қоидалар

32. Мазкур қоидалар Марказ директори томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Марказ директорининг ўзгартириш киритиш тўғрисидаги буйруғига асосан амалга оширилади.